





бераман, паноҳ тиласа, албатта паноҳимга оламан».

«Аллоҳнинг дўстлари билан бўлиш ва душманлик қилишдан эҳтиёт бўлиш керак. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Ўзи уларни ҳимоя қилади ва кафолатига олади.»

Имом Муслим Жундуб ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким бомдод намозини (жамоат билан) ўқиса, у Аллоҳнинг кафолатида бўлади. (Бомдод намозини ўқиган одамга зулм ё озор етказиш билан) Аллоҳнинг кафолатини бузишдан эҳтиёт бўлинглар. Кафолатини бузган одамни Аллоҳ жаҳаннам оловига юзтубан улоқтиради».

**Шарҳ:**

Аллоҳнинг дўстлари – Унга буйруқларини қилиш ва қайтариқларидан тийилиш билан итоат қилувчи ва комил тавҳидни рўёбга чиқарувчи солиҳ бандаларидир. Аллоҳ уларни тавҳидлари боис мукаррам қилди, уларга душманлик ва ҳақларига тажовуз қилишдан огоҳлантирди, уларни Ўзи мудофаа қилишини, ҳимоя ва мададларига Ўзи кафил эканини хабар берди.

**Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:**

1. Аллоҳнинг дўстларига душманлик қилишдан эҳтиёт бўлиш керак.
2. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Ўзи уларни ҳимоя қилади ва кафолатига олади.



3. Бомдод намозини жамоатда бўлсин уйида бўлсин ўқиган одам Аллоҳнинг кафолатидадир.